

UO‘K 581.582.232/275.574

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ВОДИЛ ҚИШЛОҒИДА ЖОЙЛАШГАН КЎЛ АЛЬГОФЛОРАСИНИНГ ТАКСОНОМИК ТАҲЛИЛИ

Муаттархон Юлдашова

Фарғона давлат университети биология ва биотехнология кафедраси доценти
Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Мўйсинова Хонзодабегим

Фарғона давлат университети магистри

Каримжонова Гулҳумор

Фарғона давлат университети магистри

Абдуғаниева Дурдона

Фарғона давлат университети магистри

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада, Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси ҳавзасининг ўрта қисмида, Водил пости ёнида жойлашган кўл альгофлорасининг таксономик таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

Альгологик тадқиқотларимиз натижасида Водил кўлида сувўтларининг 75 та тур ва тур хиллари (61 та тур, 14 та вариация) нинг учраши аниқланди. Сувўтлар орасида турлар ва тур хилларининг сони жиҳатидан Bacillariophyta (59 та), Chlorophyta (9 та) ва Cyanophyta (5 та) бўлимларининг сувўтлари кўп сонда учради.

Ключевые слова: альгофлора, таксономия, окружающая среда, ручей, различные виды и разновидности, водоем, экология, природная среда, водоросли.

ВВЕДЕНИЕ

Фарғона водийсида бирқанча табиий кўллар мавжуд бўлиб, улар турли минтақалар ва турли экологик шароитларда жойлашган. Ушбу кўллар альгофлорасининг таксономик ва экологик таҳлили турличалигини текширишлар асосида аниқладик.

Шохимардонсой-Марғилонсой дарёси ҳавзасининг ўрта қисмида Водил пости ёнида жойлашган кўл альгофлорасининг таксономик таҳлилига тўхталиб ўтамиз.

Водил кўли Шоҳимардонсой дарё ҳавзасида, қуйи тоғ минтақасида жойлашган бўлиб, сизот сув йўллари орқали келиб чиққан. У дарёнинг 45⁰ шар-қида жойлашган. Кўл катта бўлмаган ҳавза бўлиб, узунлиги 80 метр майдонни эгаллаган, эни 50 м(гача), ўртача чуқурлиги бир неча см дан 1,5 м гача, туби балчиқли. Кўлнинг суви кўк рангда, тиниқлиги тубигача етади.

Қишда кўлда сув камая бошлайди ва фақат энг чуқур жойида, атига кўлнинг 30 % ташкил қиладиган сувлар сақланади. Қишда кўл туби мустаҳкам муз қопламлари билан қопланади, баҳорда яна сув билан аста секин тўлади.

Водил кўлида сувнинг ҳарорати фасллар бўйича ўзгариб туради. Ҳаво ҳарорати декабрь ойида, куннинг ўрталарида 2⁰С, сувнинг ҳарорати 4⁰ С, ёзда июль ойининг иккинчи ярми, августнинг биринчи ярми сув ҳарорати 25⁰ гача кўтарилади. Август ойида ҳаво ҳарорати ўртача 33-35⁰ С атрофида ўзгариб туради.

Водил кўли сувининг актив реакцияси рН=7,5-8,5 га тенг, бунга сабаб кўл қишлоқ худудида жойлашган ва турли антропоген таъсирларга учраган. Водил қишлоғининг муҳити гидробионтлар учун ўзига хос яшаш муҳитдир.

Водил кўлида сувда ўсадиган гулли ўсимликлар учрайди. Улар кўл тубининг текис ва суви тинч жойларига мослашган. Сувўтлардан *Cladophora*, *Spirogyra* улар билан *Hydradictyon* (сувгўри), Ҳага каби туркумларнинг кўзга кўринган хиллари учрайди.

Сув ўсимликлари ўсадиган жойлар лойқа ва бу жойларда ўсимлик, ҳайвон қолдиқлари кўплаб учрайди. Ёз фаслида кўлни марказий қисмида сув-нинг тиниқлиги 0,5-1,5 м. Шу чуқурликларга ёруғлик етиб бориши натижаси-да сув остида ўтлоқзорлар ҳосил бўлган.

Айрим ҳолларда бентосда диатомлардан мелозира ва циклотелла туркум вакиллари учрайди.

Альгологик тадқиқотларимиз натижасида Водил кўлида сувўтларининг 75 та тур ва тур хиллари (61 та тур, 14 та вариация) нинг [1-5] учраши аниқланди 1 – jadval.

Сувўтлар орасида турлар ва тур хилларининг сони жиҳатидан *Bacillariophyta* (59 та), *Chlorophyta* (9 та) ва *Cyanophyta* (5 та) бўлимларининг сувўтлари кўп сонда учради.

Кўлда *Bacillariophyta* бўлими сувўтларининг асосий қисмини – *Cyclotella baicalensis* Skv., *C.comta* (Ehr.) Kuetz., *C.planctonica* Brunth., *C.stelligera* Cl. et Grun., *Chaetoceroswighamii* Bright., *Tabellaria binalis* (Ehr.) Grun., *T.fenes-trata*

var.intermedia Grun., Diatoma vilgare Bory., Fragilaria.construens (Ehr.) Grun., Synedra ulna var. oxyrhynchus (Kuetz.) V.H., S.tabulata (Ag.) Kuetz., S.vaucheriae Kuetz., Cocconeis pediculus Ehr., Achnanthes.nodosa A.Cl., A.lance-olata (Breb.) Grun., A.taeniata Grun., Roicosphenia curvata (Kuetz.) Grun., Mastogloia grevillei W.Sm., M.smithii Thw var.amphicephala Grun., Navicula costulata Grun., N.cryptoccephala var.veneta (Kuetz) Grun., N.cincta (Ehr.) Kuetz., N.incerta Grun., N.longirostris Hust., N.lundstroemii var. subcapitata Wisl. et Poretzky, N.subtilissima Cl., N.radiosa var.tenella (Breb.) Grun., N.peregrina (Ehr.) Kuetz., Neidium productum (W.Sm.) Cl., Amphora ovalis Kuetz., Cymbella aspera (Ehr.)Cl., C.austriaca Grun., C.cesatii (Rabenh.) Grun., C.helvetica Kuetz., C.microcephala Grun., C.perpysilla A.Cl., C.prostrata (Berkeley) Cl., C.skvort-zowii Skabitsch., C.tumida (Breb.) V.H., C.turgida (Greg.) Cl., C.venricosa Kuetz., Gomphocymbella ancyli (Cl.) Hust., Gomphonema constrictum Ehr., G.gracile var.auritum (A. Braun) Cl., G.innatum Skv., G.intricatum var.minor Skv., G.heidenii Fricke., Epithemia ocellata Kuetz., Rhopolodia gibba var.mongolica Øctr., Bacillaria paradoxa Gmelin., Nitzschia angularis W.Sm., N.communis Rabenh., N.grasilis var. minor Skabitch., N.navicularis (Breb.) Grun., N.palea var. debilis (Kuetz.) Grun., N.telezkoensis Sheshukowa, Surirella angustata var.hankensis Skv., S.linearis W.Sm., S.biseriata var.constricta Grun. кабилар.

Chlorophyta бўлими сувўтлари ичида энг кўп тарқалган тур ва тур хилларидан *Pediastrum boryanum* (Turp.)Menegh., *Oocystis crassa* Wittrock., *Ulotrix aequalis* Kuetz., *Cladophora fracta* (Muell. ex Vahl)Kuetz., *Spirogyra calospora* Cleve, *S. hassalli* (Jenner) Petit., *S. infiata* (Vauch.) Rabenh., *Penium exiguum* W.West., *Closterium jenneri* var. *robustum*. f. *minus* Skvorts. ва бошқалар учради.

Cyanophyta бўлим сувўтларидан-*Synechococcus elongatus* Naeg., *Rhabdoderma lineare* Schmidle et Laut., *Oscillatoria willei* Gardn., *Phormidium boryanum* Kuetz., *Lyngbya perelegans* Lemm.каби тур хиллари кам сонда учради.

Euglenophyta бўлим сувўтларидан-*Trachelomonas oblonga* Lemm., *Strombomonas longa* Swir. тури ҳам кам сонда учради.

Ўрта минтақада жойлашган кўлда ҳароратининг юқорилиги ёз фаслида (23⁰-33⁰С), оқимнинг йўқлиги, тиникликни юқорилиги-тубигача, биоген моддаларнинг кўплиги ва бошқа омилларнинг таъсири тур хиллари бўйича сувўтларнинг кўп миқдорда учрашига сабаб бўлади.

Шунга кўра, юқори оқимдаги сувўтларининг турлари таркибини таксономик таҳлил қилиш асосида 37 туркум, 19 оила, 12 тартиб, 9 синф бўйича 75 та тур ва тур хиллари аниқланди.

1 – jadval

Шохимардонсой дарёси сув ҳавзасида жой олган Водил кўли

алгофлорасининг таксономик таҳлили (2009 – 2011 йиллар)

Сувўтлари бўлими	Таксономик бирликлар сони							
	си нф	тарт иб	ои ла	тур- кум	тур- лар	вар иац ия	жами тур ва тур хиллари	тур ва тур хиллари- нинг умумий сонга нисбатан % ҳисоби
Суанophyta	2	2	2	5	5	-	5	6,66 %
Bacillariophyta	2	4	9	23	46	13	59	78,67 %
Euglenophyta	1	1	1	2	2	-	2	2,67 %
Chlorophyta	4	5	7	7	8	1	9	12 %
Жами: 4	9	12	19	37	61	14	75	100 %

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ: (REFERENCES)

- [1] Алимжанова Х.А., Шаимкулова М.А. Альгофлора реки Акбууры и ее значение в оценке качества воды. – Ташкент, Фан, 2008. – 17– 20, 34 - 37 с.
- [2] Определитель пресноводных водорослей СССР. Вып. I. 1951; II. 1953; III. 1954; IV. 1951; VI. 1954; VII. 1955; VIII. 1959; X. (1) 1986; XI. 1982; XII.
- [3] Музафаров А.М. Флора водорослей водоемов Средней Азии. – Ташкент: Изд-во Наука. 1965. – 580 с.
- [4] Эргашев А.Э. Закономерности развития и распределения альгофлоры в искусственных водоёмах Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1976. -360с.
- [5] Юлдашева Муаттархон and Давронжон Саминжонов. Taxonomical and ecological analysis of the large Fergana channel algoflora in the spring season // doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1321." research support center conferences. - С. 119-124.
- [6] Юлдашева М., Тўлқинов А. The south Fergana canal in the spring season taxonomic and ecological properties of algoflora // doi. org/10.47100/Conferences. v1i1. 1322 // Research support center conferences. – 2021. – С. 124-129.
- [7] Yuldasheva M., Soliyeva A. Taxonomy and ecology of spring season algoflora of the north Fergana channel //Конференции. – 2021. – С. 129-134.
- [8] Yuldashova, Muattarxon Pulatovna (2022). SHIMOLIY FARG‘ONA KANALI ALGOFLORASINING EKOLOGIK XUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (10-2), 617-621.
- [9] Фарғона водийси каналларидан фойдаланиш бошқармаси маълумотлари.